




**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ”
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ – АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**



**“PROBLEMS OF FISHERMEN DEVELOPMENT IN
UZBEKISTAN AND PROSPECTS” INTERNATIONAL
SCIENTIFIC - PRACTICAL CONFERENCE**



Бухоро – 2021 йил

“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ

ХАЛҚАРО МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил, 9-10 июль

Бухоро - 2021

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

Илмий анжуманнинг дастурий қўмитаси

О.Х. Хамидов	Университет ректори, раис;
О.С. Қахҳоров	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис муовини;
Ҳ.Т. Артикова	Агрономия ва биотехнология факультети декани, б.ф.д., профессор, аъзо;
С.Б. Бўриев	Биология кафедраси профессори, аъзо;
М.М. Тўраев	Биология кафедраси мудир в.б., б.ф.н., доцент, аъзо;
Х.А. Алимжонов	ЎзР ФА Ботаника институти етакчи илмий ходими, б.ф.д., профессор, аъзо;
А.Р. Кузметов	Астрахан давлат техника университети, Тошкент филиали, Сув биоресурслари ва аквакультура кафедраси мудир, б.ф.д., профессор, аъзо;
М.А. Шайимкулова	Ош давлат университети б.ф.н., доцент, Қирғизистон, аъзо;
Б.М. Шералиев	Хитой Халқ Республикаси Чангкинг Жанубий-Ғарбий университети, (PhD) доктори, аъзо;
Ш.Р. Шаропова	Биология кафедраси таянч докторанти, котиба.

Илмий анжуманнинг ташкилий қўмитаси

О.С. Қахҳоров	Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, раис;
Ҳ.Т. Артикова	Агрономия ва биотехнология факультети декани, б.ф.н., профессор, раис муовини;
Ў.У. Рашидов	Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор, аъзо;
Г.Т. Зарипов	И, Т ва ИПКТ бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент, аъзо;
А.М. Қобилов	Агрономия ва биотехнология факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари, б.ф.д., (PhD) аъзо;
Ш. С. Пардаев	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Н.Э. Рашидов	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Б.Б. Тохиров	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Ҳ.Қ. Эсанов	Биология кафедраси доценти, аъзо;
Н.А. Шамсиев	Биология кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
Л.Т. Юлдошов	Биология кафедраси таянч докторанти, аъзо;
Э.Б. Жалолов	Биология кафедраси ўқитувчиси, аъзо;
У.Э. Шомуродов	Бухоробалиқ М.Ч.Ж. раиси, аъзо;

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда ҳалқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режасида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши мақсадида 2021 йил 9-10 июль кунлари Бухоро давлат университети биология кафедрасида “Ўзбекистон шароитида балиқчиликни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари” мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари асосида тузилди.

**ТЎПЛАМДАГИ МАҚОЛАЛАРНИНГ ИЛМИЙЛИГИ ВА ҲАҚҚОНИЙЛИГИГА
МУАЛЛИФЛАР ШАХСАН ЖАВОБГАРДИРЛАР!**

Масъул муҳаррир:

С.Б. Бўриев, биология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

М.М. Тўраев, биология фанлари номзоди, доцент
Н.Э. Рашидов, биология фанлари номзоди, доцент

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

Соатов Б.Б. Карпсимонлар (cyprinidae) оиласи баликлари филометроз нематодаси билан зарарланиши.....	117
Солижонов Х.Х., Иззатуллаев З. Фаргона водийси ихтиопаразит зулуклари ҳақида илк маълумотлар.....	119
Ҳайитов Ё. Қ., Рамазонова И.А., Содикова З.Ф., Бебитова О. Сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари	120
Темирова Н.Т., Мирсагатова А.Т., Кузметов А.Р., Зарипов Э. Карпсимон балиқ касалликларининг келиб чиқиш сабаблари ва уни бартараф этиш	122
Тошходжаев Хаким Азимович., Каримов Гафуржон Набиевич., Ниёзматова Заррина Захибуллоевна Эффективность использования фосфорных удобрений в прудах	124
Д.С. Каландарова, Д.Р.Тешаева, М.П. Хонжонова. Болезни рыб и их лечение	126
Алимжанова Холисхон Алимжановна, Соатов Ғиёсиддин Турдиевич. Қашқадарё оқимларида bacillariophyta индикатор сапроб турларининг тарқалиши	128

**6-ШЎБА. БАЛИҚЛАРНИНГ ТАБИЙ ВА БАЛАНСЛАШТИРИЛГАН ОЗУҚА
ЗАҲИРАЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА БАЛИҚЛАРНИ ОЗИҚЛАНТИРИШ 130
СОЗДАНИЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ И СБАЛАНСИРОВАННЫХ КОРМОВЫХ ЗАПАСОВ
РЫБ И КОРМЛЕНИЕ РЫБ.
ESTABLISHMENT OF NATURAL AND BALANCED FOOD RESERVES OF FISH AND
FEEDING OF FISH**

Алимжанова Холисхон Алимжановна, Ражабова Мамура Сувоновна. Весенние флористические состав фитопланктонных и фитобентосных сообществ (фитоценозов) Акдарьинского водохранилища (Узбекистан).....	130
Yo'ldoshev K.R., Jumanazarov H.O'., Musabekova S.M., Axmedjonova G.N. Xorazm baliq klaster MCHJ da chipor do'ngpeshona balig'ini sun'iy oziqlantirishning samarali usullari.....	133
Нурниёзов А.А. Искандеров А.П. Сув омборлари ва балиқчилик ҳовузлари ўсимликлар қоплами (Самарқанд вилояти)	135
Ражабова Мамура Сапаровна, Алимжанова Холисхон Алимжановна. Зимние и весенние флористические состава водорослей chyanoophyta и chlorophyta Акдарьинского водохранилища (Узбекистан).....	137
Shaimkulova Minabbar Abduvaitovna, Alimjanova Kholishon Alimjanovna. Algae flora of the isfayramsaya river (south kyrgyzstan).....	139
Шамсиев Н.А., Юлдошов Л.Т. Оёкогитма кўлида орол кизилкўз балигининг мавсумий озика таркиби	143
Шамсиев Н.А., Амонова Д.Н. Оёкогитма кўли зообентос турлари.....	145
Б.Б. Тохиров., Т.Ф. Сайфиев., О.О. Асророва. Навоий вилоятидаги Тўдакўл сув омбори зоопланктонлари ҳақида янги маълумотлар	147

**7-ШЎБА. БАЛИҚЧИЛИКДА НАСЛЧИЛИК ИШИ ВА СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ
БАЛИҚЛАНТИРИШ
РАЗВЕДЕНИЕ И ЛОВЛЯ В ВОДОЕМАХ ПРИ РЫБОЛОВСТВЕ
BREEDING WORK IN FISHERIES AND POND FISHING**

Норбоев Б.Б., Собиров Б.Ж. Оқ дўнгпешона балигини Хитой бассейн технологияси асосида кўпайтиришнинг хусусиятлари.....	150
Matyoqubova Yu.A., Yusupov H.R., Jumanazarova N.J., Bog'bekov A.I. Xorazm viloyati sharoitida baliqlarni intensiv ko'paytirish usullarini o'rganish.....	152
Matyoqubova Yu.A., Raximov Sh.Sh., Sultonov M.F., Rajabov B. R. Xorazm vohasi sharoitiga osyotrsimon baliqlarni iqlimlashtirish va ularni sun'iy ko'paytirish usullari	154
Норбоев Б.Б. Хорижий ва маҳаллий зотга мансуб карпларнинг экстерьер хусусиятлари ва тана тузилиши индексларининг кўрсаткичлари	156
Жумабоев Б.Е., Канатбаева Т.С., Умматова М.Э., Буриева Н.Ж. Ўтхўр балиқларнинг кўпаювчанлик хусусиятларининг ривожланиши	157
Худойбердиева Г., Атабаева Н. Видовое разнообразие рыб Айдар-Арнасайской системы озер.....	159
Qobilov A.M., Jalolov E.B., Yusupov M.U. Buxoro viloyati ixtiofaunasi (Zarafshon daryosi misolida)....	163

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

Куз						
Сув ўтлари	18,1	38,3	14,5	15,0	28,0	32,8
Зоопланктон	49,8	19,2	20,1	20,3	17,7	20,0
Хириноид личинкаси	30,1	40,7	50,8	44,2	40,3	40,0
Нематодалар	--	--	1,0	3,1	--	--
Мизид	1,5	1,5	10,5	12,3	5,0	7,2
Олигохета	--	--	2,3	2,5	3,1	--
Детрит	0,5	--	0,5	1,8	5,0	--
Макрофит	--	0,3	0,3	0,8	0,9	--
Қиш						
Сув ўтлари	95	90	99	--	--	--
Зоопланктон	0,8	2,2	0,5	--	--	--
Детрит	0,1	1,0	--	--	--	--
Макрофит	4,0	6,3	0,5	--	--	--
Қум	0,1	0,5	--	--	--	--

Жадвалдан орол кизилкўзнинг озик спектри кенглиги кўриниб турибди, баҳор фаслида сув ўтлар 11,3 - 88 %, хириноид 5,3-42 %, зоопланктон 2,5-16,7 % ни, ёз фаслида сув ўтлар 8,5 - 30,1 %, хириноид 50,8 - 30,1 %, зоопланктон 9,5-18,3 % ни, куз фаслида сув ўтлар 14,5 - 32,8 %, хириноид 5,3-42 %, зоопланктон 17,7-49,8 % ни, қиш фаслида сув ўтлар 90 - 99 % ни ташкил қилиб улар озик спектрида доминантлик қилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаев М.А. Д.Урчинов. 1989. Промысловые рыбы водоёмов низовьев р. Зарафшан. Изд-во «Фан» с 4-12, 58-61.
2. Ожегова В.Е. 1955. О формировании биологического режима Фархадского водохранилища на Сырдарье. Тр. ин-та зоол и паразит. АНТаджССР. Т.1с. 113.
3. Намозов С.М. 2019. Размерно-возрастной состав и упитанность Аральской плотвы (*Rutilus rutilus aralensis*) оз. Тузкан Айдар-Арнасайской системы озер. Биодиагностика состояния природных и природно-техногенных систем. Книга 2. – Киров: ВятГУ, 2019. - С.350-352 с.

УЎК: 574.587

**ОЁҚОГИТМА КЎЛИ ЗООБЕНТОС ТУРЛАРИ
ВИДЫ ЗООБЕНТОСА ОЗЕРЫ АЯКАГИТМА.
ZOOBENTHOS SPECIES OF LAKE AYAKAGITMA.**

*Шамсиев Н.А., Амонова Д.Н.
Бухоро давлат университети*

Аннотация: Бу мақолада Оёқогитма кўли зообентос турлари таркиби ва биомассаси ҳақидаги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Литорал, пелагиал, пелофил, пелореофил, биоценоз, зообентос, нектобентос, мезотроф.

Аннотация: В данной статье приведены данные о составе и биомассе видов зообентоса озера Аякагитма.

Ключевые слова: Литорал, пелагиал, пелофил, пелореофил, биоценоз, зообентос, нектобентос, мезотроф.

Abstract: This article provides data on the composition and biomass of zoobenthos species of Lake Ayakagitma.

Key words: Littoral, pelagial, pelophilus, peloreophilus, biocenosis, zoobenthos, nektobenthos, mesotroph

Оёқогитма кўли биологик маҳсулдорлиги ва ундан балиқчилик учун фойдаланиш мақсадида унинг гидробионтлари 1989 йилдан бошлаб ўрганиб келинмоқда. Биоресурсларнинг асосий гуруҳлари бўлиб юксак ва тубан даражали сув ўсимликлари, фитопланктон, юксак сувўтлари, зообентос, зоопланктон ва детрит ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган гуруҳлар саноатбоп балиқларнинг озукаси сифати фойдаланилади. Шу сабабли балиқчиликка асосланган Оёқогитма кўли биоресурси зообентос турлари ва биомассаси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилади.

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

Оёкоғитма кўли туби куйидаги биотопларга бўлинади. 1. Тўқ-кулранг балчиқ (литорал зона). 2. Кулранг балчиқ (кўл жанубий-ғарбий қисми). 3. Қора балчиқ (пелагиал зона). 4. Юксак сув ўтлари. Бу биотопларда учрайдиган организмлар пелофиль, пелореофиль биоценозлар дейилади. Оёкоғитма кўли зообентосининг турлари куйидагилардан иборат.

Оёкоғитма кўли тубидаги зообентос организмлар 37 турдан иборат бўлиб, турлар хилма-хиллиги жиҳатидан хириноמיד личинкалар устунлик қилади ва 62,9% ни ташкил қилади. Оёкоғитма кўли нектобентосида креветка - *Macrobrachium nipponense* ҳамда дарё кискичбақаси узун панжали - *Astacus leptodactylus* учрайди. Узун панжали дарё кискичбақаси Шўркўл сув омборидан келтирилган.

Тудакўл сув омборида зообентос –*креветка Macrobrachium nipponense*, хириноמיד личинкалари ва камтукли чувалчанглар *Tubificidae* оиласи вакиллари ташкил этиши қайд этилган[1].

Оёкоғитма кўли зообентосининг турлари куйидагилардан иборат.

Оligochaeta 6 тип: *Stylaria lacustria* L, *Stylaria fussularis* Leidy, *Nais obtuse*, *Tubifex tubifex* Mull, *Iliodrilus bedoti* Michals, *Dero asiatica* Cernovsitov.

Gastropoda 4 тип: *Simmaca* sp, *Radix lagotis*, *Radix lateralis*, *Physa acuta* Drop.

Bivalvia 1 тип: *Anodonta signea*.

Ostrocooda 3 тип: *Cypris subglosa* Jurine, *Cypridopsis vidua* (O.F.M.), *Cypridopsis* sp.

Odonata 23 тип: *Anax imperator* Leach, *Agria virgo* (L), *Coleoptera*, *Natonecta glauca* Men, N. *clavicornis* (Deg), *Chironomidae*, *Tanytarsus mancus* Wulp, *T.gregarious* K, *Cryptochironomus burganadzeae* Tschern, *C.defektus* K, *C.conjgens* K, *C.parastratus* I, *Chironomus fhummi* K, *Ch.Plumosus* L, *Ch.Reductus* Lipina, *Limnochironomus nervosus* (Staeg), *Polypedilum aberrans* Tschern, *Coricotopus silvestris* Kieff, *Pelopia villipenus* Kieff, *P.punetipennis* Mg., *Procladius skuze* Kieff, *Ablobesmia monilis* L, *A.villipenus* Kieff.

Оёкоғитма кўли зообентос организмлар турлар хилма-хиллиги жиҳатидан хириноמיד личинкалари устунлик қилиб, 62,9% ни ташкил қилади. Оёкоғитма кўли зообентосининг умумий миқдори ва биомассаси 1-жадвалда келтирилган.

Оёкоғитма кўлининг марказий қисми хириноמיד личинкаларининг ўртача миқдори 159,3 экз/м², биомассаси - 0,5 г/м², Оёкоғитма кўлининг шимолий қуйи қисмидаги хириноמיד личинкаларининг ўртача миқдори 77,3 экз/м², биомассаси - 0,22 г/м², Оёкоғитма кўлининг жанубий юқори қисмидаги хириноמיד личинкаларининг ўртача миқдори 156,6 экз/м², биомассаси - 0,12 г/м² ни ташкил қилади.

1-жадвал

Оёкоғитма кўли зообентосининг миқдори ва биомассаси ($\frac{\text{минг.экз./м}^2}{\text{г/м}^2}$) 2018-2019 йил фасллари

бўйича маълумот

Оёкоғит ма	Ойлар						Ўртача кг/га
	Май		Июль		Сентябрь		
	$\frac{\text{минг.экз./м}^2}{\text{г/м}^2}$	Ям кг/га	$\frac{\text{минг.экз./м}^2}{\text{г/м}^2}$	Ям кг/га	$\frac{\text{минг.экз./м}^2}{\text{г/м}^2}$	Ям кг/га	
Марказий қисми	$\frac{195}{0,60}$	58	$\frac{128}{0,30}$	40,8	$\frac{155}{0,50}$	46,5	48,4
Шимолий қисми	$\frac{61}{0,17}$	18,3	$\frac{113}{0,30}$	33,9	$\frac{57}{0,19}$	17,1	23,1
Жанубий қисми	$\frac{40}{0,09}$	9,9	$\frac{78}{0,14}$	22,5	$\frac{52}{0,14}$	14,1	18,8
Ўртача	$\frac{98,6}{0,30}$	28,7	$\frac{106,3}{0,20}$	32,4	$\frac{88,0}{0,30}$	26,0	30,1

Изох: Суратда миқдори, махражда биомассаси; Ям - ялли маҳсулдорлик.

Зообентосларнинг 13 тури аниқланди. Шундан, жуфт канотлилар личинкаси (хириноמיד) 2 тур, олигохет 3 тур, моллюскалар 5 тур, ёнсузар 1 тур, креветка 1 тур, мизид 1 тур учради. Баҳорда зообентосларнинг сони ўртача сони 561 дона/м² ва биомассаси 1,36 г/м² ни ташкил қилиб, асосан хириноמיד личинкаси ва олигохетларга тўғри келади. Ёзда ўртача сони 728 дона/м² ва биомассаси 1,57 г/м² ни ташкил қилиб, асосан олигохетларга тўғри келади. Бунга сабаб хириноמיד личинкаларининг учуб кетиши ҳисобланади. Кузда ўртача сони 667 дона/м² ва биомассаси 1,95 г/м²

**“ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА БАЛИҚЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**

ни ташкил қилиб, асосан олигахетларга тўғри келади. Қишда ўртача сони 806 дона/м² ва биомассаси 2,51 г/м² ни ташкил қилиб, асосан хиронамида личинкаси ва олигахетларга тўғри келади[2].

Оёқоғитма кўли озуқа базасининг йиллик таҳлили натижасига кўра ва А.Тениман, Е.Науманларнинг классификациясига (Константинов, 1986) асосан мезотроф синфига мансуб бўлиб, нисбатан кам озуқали кўл ҳисобланади. Бу эса Жануби-ғарбий Қизилқум сув хавзаларига хос хусусиятдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Умматова М.Э. Зарафшон дарёси куйи оқими сув хавзаларида карп (*Cyprinus carpio* L.) балигининг яйлов аквакультураси объекти сифатидаги биологик хусусиятлари. Фалсафа доктори (биология фанлари бўйича) PhD диссертация. Тошкент - 2020. 15-24 бетлар

2. Собиров Ж.Ж. тўдакўл сув омборининг балиқчиликдаги аҳамияти ва гидробиологик ҳолати. Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация. Тошкент - 2020. 67-75 бетлар

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИ ЗООПЛАНКТОНЛАРИ ҲАҚИДА
ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР
НОВАЯ ИНФОРМАЦИЯ О ЗООПЛАНКТОНАХ ТУДАКУЛЬСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩА
НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ
NEW INFORMATION ABOUT ZOOPLANKTONS OF TODAKUL WATER RESERVOIR IN
NAVOI REGION**

¹Б.Б. Тохиров., ²Т.Ф. Сайфиев., ³О.О. Асророва

¹Бухоро давлат университети, Биология кафедраси б.ф.н доцент,

²Бухоро давлат университети, Биология таълим йуналиши талабаси, ³Бухоро давлат университети, Биология кафедраси магистранти,

Аннотация: Тўдакўл сув омбори зоопланктон организмларнинг сифат ва миқдор ўзгаришларини билиш ва зоопланктонлар биологияси, экологияси ва фаслларда тарқалиш қонуниятларини ўрганишдан иборат.

Таянч сўзлар: зоопланктон, планктон, гидробиологик, бинокуляр, биомассаса, термометр, батометр, формалин, гидрохимик, этикетка

Аннотация: Тўдакўльское водохранилище состоит из изучения качественных и количественных изменений в организмах зоопланктона, а также изучения биологии, экологии и сезонных закономерностей распределения зоопланктона.

Ключевые слова: зоопланктон, планктон, гидробиологический, бинокуляр, биомассаса, термометр, батометр, формалин, гидрохимический, этикетка

Annotation: The Tudakul Reservoir consists of studying the qualitative and quantitative changes in zooplankton organisms and studying the biology, ecology, and seasonal distribution patterns of zooplankton.

Key words: zooplankton, plankton, gidrobiological, binocular, biomass, thermometer, batometer, formalin, geochemical, label

Тадқиқотнинг объекти. Тўдакўл сув омборининг зоопланктонлари ва уларнинг турларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг предмети. Тўдакўл сув омборининг зоопланктонларини аниқлаш ва кўпайтириш орқали балиқчиликда қўллаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Гидробиологик кузатишлар асосан баҳор ва ёз ойларида, қисман кузда олиб борилади, чунки бу даврда сув хавзаларининг флора ва фаунаси ривожланган бўлиб, организмларнинг кўпайиши интенсив суръатда бўлади. Зоопланктон намуналарни конусли планктон сузгичлари Джеди тўрларидан (№ 56-76) ёки туткич (сачок)лар ёрдамида 50-100 литр сувни челақ ёрдамида сузиб олиш ва сувнинг маълум чуқурлигига тўр ташланиб уни тортиб олиш усулидан фойдаланилади. Бу намуналар 4% ли формалин эритмасида фиксация қилинади. Кейинги тадқиқотларни лабораторияда бинокуляр ва микроскопда қаради, турлари аниқланиб сифат ва миқдор кўрсаткичлари ҳисобланади. Майда организмларни Кольквиц камерасида (0,2-1,0 мл), йирикларини эса Богорова камерасида (5,0-10,0 мл) санаб борилади. Зоопланктоннинг биомассасини ҳар бир организмнинг индивидуал массасини тур миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади.

Айрим зоопланктон вакиллариининг тенглама параметрлари умумлаштирилган ҳолда Бабушкина, Винберг (1979) ва Алимовларнинг (1989) ишларида келтирилган. Организмларни ўлчаш майда ва етук организмлар учун алоҳида ҳолда бинокуляр остида олиб борилади.

Батометр – битта ва иккита цилиндрдан иборат асбоб бўлиб, очик ҳолда сувнинг маълум чуқурлигига туширилади. Батометр оддий сузгичга (Джеди, Апштейн) қараганда планктон йиғиш учун яхши ускуна ҳисобланади. Баъзан батометр ичига термометр ҳам ўрнатиш мумкин шунда бир